O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 6-iyun, chorshanba ✱ № 24 (776) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

## СУВ ЛОЙҚАМИ ЁКИ БУЛҒАНГАН?

Яқинда Янгиариқ ҳавзаси ёнидан ўтаётиб, ачинарли воқеага гувоҳ бўлдим. Шу атрофдаги ҳовлиларнинг биридан ариққа мағзава чиқаётганига кўзим тушди. Янаям ачинарлиси шундаки, бу хонадон соҳиблари зиёли, оқу қорани танийдиган, ҳаётий тажрибага эга кишилар эди. Ахир, бу ҳолат барчамизга бирдек ташвиш туғдиришини, наҳотки, улар билишмаса?!



➩ 3-бет

## ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш уч иш куни ичида ҳал этилиши кўзда тутилган**

Газетамизнинг ўтган сонида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш тартиби ҳақида қисқача тўхталган эдик. Ушбу мавзунинг долзарблигини, қолаверса, газетхонларимизнинг таклиф ва илтимосларини инобатга олган ҳолда, бу гал мазкур масала хусусида батафсилроқ маълумот беришни лозим топдик.

➩ 6-бет

## БОЛАЛИК КУЙЛАГАНДА

Маънавий ўйинлар. Буларни сўз ўйинлар деб ҳам юритишади. Болалар сўз билан ўйнаб, маънавий камолот пиллапояларидан илдамлайди. Бола ўз камолотининг илк бочқичида сўз маъносини англашдан йироқ туради. Бироқ сўзнинг сеҳрли оламига у билан ўйнаб туриб кира боради.



➩ 8-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

*Пекин, 5 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 5 июнь куни расмий ташриф билан Хитойга келди.**

Пекин шаҳрининг "Шоуду" халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбари шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз делегацияси учун ажратилган "Дяоюйтай" давлат қароргоҳига жойлашди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташриф икки томонлама муносабатларни тизимли асосда ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари, шу жумладан, олий даражадаги учрашув 6 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, Хитой раҳбарияти билан музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**ЎзА**

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат раҳбарларининг Кўксаройда бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истиқболдаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

✱ 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

✱ 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.



Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# Институтдан — шифохонага

**Бухоро давлат тиббиёт институти - соғлиқни сақлаш тизими учун салоҳиятли кадрларни таёрлаб бераётган замонавий олий таълим муассасаларидан.**

1700 нафардан зиёд талаба даволаш иши, стоматология, олий ҳамширалик иши ва тиббий педагогика йўналишларида таҳсил олаётган мазкур институтда ёшларнинг пухта билим ва касбий кўникмага эга бўлиши учун барча шароит яратилган. Уларга 230 нафар малакали профессор-ўқитувчи таълим бераётир.

Институтда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига рағбатини ошириш ва бу борадаги изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ўртасида илмий анжуманлар ўтказиш анъанага айланган. Институт қошида ташкил қилинган клиник кўникмаларга ўқитиш лабораториясида бўлғуси шифокорлар назарий билимини амалиётда мустаҳкамламоқда.

Бу йил институтнинг умумий амалиёт шифокори мутахасислиги бўйича бакалавр босқичини 390 нафар йигит-қиз ва хирургия, акушер гинеколог, терапия, стоматология мутахассислигида 139 клиник ординатор битиради.

**Суратда:** *ўқитувчи Каромат Жумаев даволаш иши гуруҳи талабалари (чапдан) Феруза Орипова, Шаҳина Бахшуллаева ва Шаҳло Абдуллаева билан.*

## САРҲИСОБ

**Бугун юртимизда энг илғор демократик талабларга асосланган миллий сайлов қонунчилик тизими яратилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг жамиятнинг барча соҳаларда фаол мавқе эгаллаётгани, парламент назорати институтидан унумли фойдаланаётгани сўзимиз исботидир.**




# Парламент фаолияти ва журналист маҳорати

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, қонунчиликка биноан депутатлар вақти-вақти билан ўз сайловчилари билан учрашишлари, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва эътирозлари билан танишишлари, уларни парламентда амалга оширилаётган ишлардан бохабар қилишлари лозим.

Қуйи палата депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, жорий йилнинг 28 май кунидан 4 июнигача ўзлари сайланган сайлов округларида сайловчилар билан учрашиб қайтдилар. Мазкур учрашувлардаги мулоқотлар жараёнида сайловчиларга парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳалари хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган «Сайловчилар билан учрашувларни ёритишда журналист маҳорати» мавзусидаги Парламент журналистлари клубининг навбатдаги йиғилиши айни шу масалага бағишланди. Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларда кўрилган масалалар, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилаш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасида депутатлик гуруҳларининг сайлов округларидаги фаолиятини ОАВда ёритиш ва мазкур жараёнларнинг холислиги, ошкоралигини таъминлашда журналист маҳорати муҳокама этилди.

2 ▶▶

## 2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# Бахт бешиги

**Табиатда кўп кузатганмиз, дарахтлар, уйимиз айвони, баланд симёғочларга қушлар хас-хашак, лой ташиб ин қуради, полапонларини учирма қилади. Қушларгина эмас, уммонлару ўрмонларда яшовчи жонзотлар учун ҳам шу табиат ин-ошён. Улар ҳам бир оила бўлиб, иноқ яшашади.**



Аждодларимиз қадимдан оилани муқаддас маскан, фарзандлар учун тарбия ўчоғи деб ҳисоблаган. Ва бизга шундай қадриятни мерос қолдирганлар. Аммо турфа дин, эътиқодга эга одамлардан бири оилага сулолани давом эттириш воситаси деб қараса, иккинчиси эркин муҳаббат, учинчиси эса мулкий муносабатни ифода этадиган эр-хотин иттифоқи, қай бири яшаш учун шунчаки макон деб қарайди.

Инсон учун энг қимматли анъаналар — оқибат, одамийлик, эл-юртга садоқат, ватанни севиш ва ардоқлаш, муҳтожга меҳр, шафқат-шафоат кўрсатиш каби чин инсоний фазилатлар, аввало, оилада шаклланади. Оиланинг мустаҳкамлиги унинг маънавий юксаклиги билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, жамиятимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлигини таъминлаш борасида босқичма-босқич хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзига хос бой миллий тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга алоҳида "Оила" боби киритилган. Мазкур бобда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

2 ▶▶

ЭЪЛОН

# Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш учун ихтисослаштирилган Фондни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субьектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: *янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.*

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

***Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:***

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун:***

Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: "Истиқлол" санъат саройи, "Бунёдкор" метро бекати.**

1-илова

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ____________________________
*(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)*
____________________________

2. ____________________________
*(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)*
____________________________
____________________________

3. ____________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. *Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:*

— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

____________ / ____________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

2- илова

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи;
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
*номи ва реквизитлари;*
*асосий фаолият тури;*
*асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.*
**3.** Базасида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
*корхонанинг номи ва реквизитлари;*
*асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;*
*охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);*
*умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;*
*мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;*
*кадрлар потенциали.*
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
**4.1.** Маркетинг:
*ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;*
*дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;*
*мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);*
*маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.*
**4.2.** Ишлаб чиқариш:
*лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслари билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;*
*зарур бўладиган ходимлар сони.*
**4.3.** Қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш:
*инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.*
**4.4.** Молиялаштириш:
*лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;*
*объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;*
*лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларини мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.*
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
*кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;*
*экспорт ҳажми.*

3-илова

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

____________________________
*(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)*

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

Реклама

«101» огоҳлантиради

## Жазирама ёз — ўтсин соз

Ёз мавсумида қуриган ўт, шох-шабба ва чиқиндиларнинг ёқиб юборилиши ҳолатлари бирмунча кўпайиши табиий ҳол. Улар баъзида катта ёнғинларга сабаб бўлиб, моддий зиён етказиши, ҳатто кишилар ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин. Қолаверса, аҳоли яшаш масканлари атрофида ёқиб юборилган турли хил чиқиндилар узоқ вақт тутаб, атрофга ёқимсиз ҳид тарқатади. Бу, ўз навбатида, турли аллергик касалликларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлиши, шубҳасиз.

Бу каби нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун фуқаролар яшаш ва иш жой бинолари ҳудудини доимий равишда қуриган ўтлардан, шох-шаббалардан тоза ҳолда сақлаши, ажратилмаган ҳамда ёток жойларида сигарета чекмаслик, ёш болаларга газ ва электр мосламалари, ўт олдирувчи ва пиротехника воситаларидан фойланишларига, хазонларни ёқишига рухсат бермаслик, турар жой бинолари ертўлаларида портловчи газ баллонлар, енгил алангаланувчи суюқликлар, ёнувчи маҳсулотларни сақламаслик каби масалаларга жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади.

Зотан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан барчамиз ўз уйимизни офатдан сақлаган ва шаҳримиз чиройига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**У.ТУРСУМАТОВ,**
**Миробод туман ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант**

Шоҳимардон тоғлари бағридан оқиб келган кичик бир ариқдаги сувлар Чимёнга келгач, булоқ сувлари қўшилиб ўзан ҳосил қилади. Шифобахш булоқлар эвазига катта сойнинг суви ариқларда тўлиб-тошиб оқади.

МЕҲНАТ МАНЗАРАСИ

# «Валижон фермер» лавҳа

Айтишларича, булоқ суви минг дардга даво бўларкан. Шундай жонбахш, шундай ҳузур... Валижон Мамадиев ана шу булоқлар сувидан тўйиб ичиб, анҳор бўйида мол-қўй боқиб катта бўлган. Болалигининг шўх-шаън дамлари анҳорда балиқ тутишлару чўмилишлар, «қулоқ чўзма»ю «зув-зув» ўйинлари билан ўтган. Ана шу ширин хотиралар Валижоннинг кечагидек эсида. Қолаверса, саксон саккизинчи баҳорини қарши олган отаси — Мамадали ҳожи бува: «Валижон, болам эсингдами...» деб ҳали у-ҳали бу воқеаликларни ёдга солиб туради.

Валижоннинг ўзи ҳам 56 ёшга кирди, аммо ҳар тонг иш олдидан падари бузрукворидан фотиҳа олишни ҳечам канда қилмайди, қайтгач, «мен келдим», деб ҳол-аҳвол сўрайди. Бир қарашда турмуш тарзимизга сингиб кетган бу оддий ҳол аслида ўзбекона асл қадриятдир.

...У трактор ҳайдашни 14 ёшидаёқ ўрганиб олди. Қизиқиш зўрлигиданми, дадаси чарчаганда Валижоннинг трактор бошқаришидан кўпчилик ҳайратга тушарди. Таъбир жоиз бўлса, болакайнинг «суяги» меҳнатда жуда эрта қотди. Ўҳ-ҳў, бу айтишга осон, аммо болаликнинг шўхликларини меҳнатга алишиш осон эмас. Йил-ўн икки ой тиним билмайди. Айниқса, саратон-гармселда ғўза қатор ораларига ишлов берса, қиш чилласида темир чангаллашнинг ўзи бўлмайди. Аммо ҳалол меҳнатнинг сийловиям бор-да.

Валижон Мамадиев 2005 йилдан буён «Чимён қуйи арча» фермер хўжалигининг раҳбари. Ишлари беш. Туманда «мана ман» деган фермерлардан бири, десак муболаға эмас.

Жорий йилнинг 28 апрелида бўлиб ўтган туман фаолларининг йиғилишида ҳоким вилоят бўйича 27 нафар фермер 50 центнерчилик ҳаракатига қўшилганини айтиб, туман фермерларига мурожаат этди:

— Фарғона туманида ҳам 50 центнерчилар чиқадими? Борми, юрагида ўти борлар?

Катта залда фақат иккита фермер дадил ўрнидан турди — миндонлик Адҳам Ҳамдамов, сойбўйилик Валижон Мамадиев. Залда олқиш...

— Бу жуда катта масъулият, — дейди Валижон Мамадиев. — Лекин ишонч бор, умидимиз катта, ниятимиз холис. Мен у лафзни хўжаликдаги 52 нафар аъзоларим номидан бердим. Аллоҳ хоҳласа... юзимиз ёруғ бўлади.

Ҳаракат, интилиш бор жойда барака-хайр бўлади. 38 гектар майдонга «Наманган-77» навли чигит экилган бўлса, зироат уруғи ер намига текис униб чиққан. Биринчи ишлов берилди, ягана қилинган, ўтдан холи бўлган ғўза яшнамоқда.

— Ҳар гектарда камида 110 минг тупдан ғўза кўчатлари борлиги аниқ, — дейди фермер. — Улар соғлом, бақувват, «заха егани» йўқ. Бу ёғига табиий офатлардан асрасин, ҳосил кўчатдан чиқади-да... 38 гектар майдондаги ғалла ривожи ҳам ёмонмас.

Фермер ютуқларидан энтикмайди, аммо эртанги кундан ёруғ ўйлари шундоқ юз-кўзидан балқиб туради. «Бу — жамоамизнинг ҳалол меҳнати нишонаси, уларни ёзинг, — дейди у. — Насибахон Маткаримова, Гулноза Миножиддинова, Ҳалимахон Козимова, Ҳакимахон Кенжабоева, Малика Толипова, сувчилардан Икромали Юнусов, Абдурашид Мамадиев, Нуриддин Аҳмедов... Булар 52 нафар аъзони ташкил этади, битта оиладан учтўрттадан аъзо бор, 31 та оиланинг қозони қайнаяпти».

Хўжалик ерлари «Чимён», «Темирйўлчилар», «Зилол» сиҳатгоҳлари йўли четида, қир-адирлар бағрида жойлашган. Иқлими, табиати ажойиб. Қолаверса, мол-қўй боқишга қулай. Аъзоларнинг ўзига яраша фермаси бор.

Дала шийпонини кўрсангиз, сўлим ва баҳаво. 32 «ёшли» тол салқинига қўйилган сўрида ўтириб чой ичишнинг гашти бошқача.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ўзингдан чиққанига нима етсин. Фермер ёрдамчи хўжалигида 82 та товуқ, 26 та курка, 16 та тус товуқ, 15 та ўрдак, 5 та ғоз, 2 бош новвос, 6 бош сигир бор. Шийпон ёнида эни 10 метр, узунлиги 25 метр бўлган иссиқхона ҳам барпо этилган. Дастурхон тўкин-сочин.

Хўжаликда ўнга яқин техника мавжуд. Иккитаси «ТТЗ-80» русумли трактор. Облоёр Аҳмедов, Абдуҳаким Абдурасулов, Неъматилло Козимов, Адҳамжон Камолов каби механизаторлар қўшни «Янги боғ», «Чимён Қорасув» муқобил МТПларга ҳам беминнат ёрдам кўрсатишаётир.

**Собир ДАДАХЎЖАЕВ**

ХАВОТИР

# Сув лойқами ёки булғанган?



Атроф гўзал. Шаҳару қишлоқлар кўзни қувонтирадиган бир-биридан кўркам иншоотлар, ям-яшил дарахтлар билан безанган. Юртнинг ҳар гўшасидаги биноларнинг бари шарқона меъморий услуб билан қурилгани киши диққатини ўзига тортади.

Хонобод қишлоғидаги кўркам кўчадан ўтаётиб, хонадон соҳиблари томонидан экиб парваришланаётган арчаларни, жўякларда жилдираб оқаётган сувни кўриб дилим яйради. Сершовқин, обод манзарага боқар эканман, болалигим ёдимга тушди. Ариқ бўйларида қатор тераклар ўсар, соя-салқинида ҳузур топардик. Терак остида тошдан-тошга урилиб оқаётган сувнинг тиниқлигидан кишининг акси кўринар эди. Ана шу зилол сувда ўртоқларим билан патир-кулчаларни оқизиб мусобақалашардик. Оқизоқ кулчалар сувда ширмондек шишиб, ўзгача таъмга кирар, бизлар уни зўр иштаха билан пақ-қос туширардик. Танамиз яйраганидан бўлса керак, «офтоб урди», «терлама бўлди», «ревматизм» сингари касалликларга чалинмаганмиз.

Аниқ эсимда, қишда оқова сув бўлмаган пайтлар маҳалладаги барча аҳоли мана шу ариқдан сув ичарди. Шу боис, ариқ, зовур атрофларини озода сақлаш, сувнинг тозалигини таъминлаш ҳар вақт маҳалла аҳли эътиборида эди. Аммо бугун шаҳримизнинг гўзал ҳуснига доғ бўлиб турган манзараларга тез-тез дуч келмоқдамиз. Одамлар гавжум яшайдиган айрим катта кўчаларнинг ариқ бўйлари ва ҳаттоки унинг ичи чиқиндилар билан тўла.

Ҳавога кўтарилаётган ёқимсиз ҳид ҳамда зарарли газлар табиатни булғаши билан бирга, янгидан-янги касаллик турларини келтириб чиқаради. Бу эса атрофда яшаётган инсонлар саломатлиги учун ниҳоятда зарарлидир.

Яқинда Янгиариқ ҳавзаси ёнидан ўтаётиб, ачинарли воқеага гувоҳ бўлдим. Шу атрофдаги ҳовлиларнинг биридан ариққа мағзава чиқаётганига кўзим тушди. Янаям ачинарлиси шундаки, бу хонадон соҳиблари зиёли, оқу қорани танийдиган, ҳаётий тажрибага эга кишилар эди. Ахир, бу ҳолат барчамизга бирдек ташвиш туғдиришини, наҳотки, улар билишмаса?!

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида келтирилган ушбу мисралар ана шундай кишиларни огоҳликка чорловчи қўнғироқдир: **«Ҳар қандай табиий бойликнинг чегараси бор. У бир кун эмас, бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди. У бизга ота-боболаримиздан қолган меросгина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада ошириб, келажак авлодга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир. ...Ҳақиқий ободончиликка, фаровонликка фақат табиат инъомларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг қийматини янада оширадиган юқори унумли, малакали меҳнат билан эришиш мумкин».**

Мамлакатимиз қонунлари ва бир қатор хужжатларда сув ресурсини тежаш, ундан ножўя фойдаланмаслик ва булғамаслик каби вазифалар белгиланган. Жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда сувни истеъмол қилиш қоидаларини бузувчи фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан жазо чоралари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72-74 моддаларида кўрсатиб ўтилган.

Қолаверса, боболаримиз, момоларимиз болалигимизданоқ сувга туфлаш ёки булғаш гуноҳи азим эканлигини таъкидлаб келган. Нега шундай панд-насиҳатларни ҳозир қилмаяпмиз. Бундан чиқди, табиат тухфаларини жон қадар қадрлаган аждодларимиз нақадар маънавиятли бўлишган экан-да?!

Айрим оилаларда аёлларимиз қизларини ўз «ташаббус»лари билан ювинди сувни ариққа тўктириб "оқади-ю, кетади, уй ҳам булғанмай покиза бўлади", дея тарбиялашади. Савияни қаранг! Уй покиза бўлсин-у, маҳалла-кўй билан ишинг бўлмасин экан-да?!

Қадрдон замондош, юқоридаги ҳолатларни ўқиб кўнглингизда иккиланиш ёки ишончсизлик каби ҳислар тинчлик бермаётгандир. Бироқ... Шунинг учун "Одобни одобсиздан ўрган" дея бежизга айтилмаган. Демак, экологик маданиятни ҳар биримиз ўзимиздан, оиламиздан бошлаб янги тарбия муҳитини шакллантиришимиз олдимиздаги энг муҳим вазифадир.

**Улуғбек РЎЗИМАТОВ**
*Наманган шаҳри*

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА ИЖОДИЙ ТАНЛОВ

# “ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: БИР-БИРИГА ПЕШВОЗ ЧИҚИШ”

**БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг “Бандликни таъминлашда ижтимоий шерикчилик” қўшма лойиҳаси “Ижтимоий шерикчилик: бир-бирига пешвоз чиқиш” журналистларнинг мавзули ижодий танловини эълон қилади.**

### ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат ноҳукумат ташкилотлари (ННТ) ва бошқа фуқаролик институтлари ролининг янада кучайиши мамлакатимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва дунё ҳамжамиятига қўшилиш бўйича белгиланган мақсадларга етишишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий шерикчилик биринчи ўринга чиқмоқда – бу нодавлат ноҳукумат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг келишилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги демакдир.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси» нафақат давлат, нодавлат ва тижорат тузилмалари орасида, балки халқаро ташкилотлар орасида ҳам кўпгина самарали ижтимоий шерикчилик ташаббусларини ривожлантиришга туртки бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳамкорликдаги “Бандликни таъминлашда ижтимоий шерикчилик» лойиҳаси – Концепциядан илҳомланиб бошланган илғор ташаббусларнинг бир намунасидир.

Лойиҳанинг мақсади – давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари орасида ижтимоий ҳамкорликнинг илғор шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали аҳолининг, айниқса ижтимоий муҳтож гуруҳларнинг бандлигини самарали таъминлашга кўмаклашишдир.

### “ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: БИР-БИРИГА ПЕШВОЗ ЧИҚИШ” ТАНЛОВИДАН МАҚСАД:

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ижтимоий шерикчилик – давлат, ННТ ва бизнеснинг аҳоли ижтимоий ночор гуруҳлари бандлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро муносабатларини янада кенг ва ҳар томонлама ёритишга эришиш.

### ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

– Бандликни таъминлашдаги ижтимоий шерикчилик тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш;

– Аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларининг, шу жумладан ногиронликка эга шахслар ва кам таъминланган оилалар ҳамда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёллар учун ижтимоий хизматни ривожлантириш ва ижтимоий корхоналар ташкил қилиш учун қулай шароит яратиш борасидаги ижобий тажрибани тарғиб қилиш;

– Бандликни таъминлаш соҳасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ёритувчи Ўзбекистон журналистларини тақдирлаш.

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иш тажрибаси, фаолият соҳаси ва шахсий қарашлари, эътиқоди ва индивидуал хусусиятларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси электрон ва босма оммавий ахборот воситалари (ОАВ) журналистлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон босма ва электрон ОАВда: газеталар, журналлар, ТВ, радио, Интернет-нашрларда (домен.Uz), ахборот агентликларида **2012 йил 28 майдан 2012 йил 26 августгача бўлган даврда** чоп этилган ва эфирга чиққан асарлар қабул қилинади.

### АСАРЛАРГА ТАЛАБЛАР

*Асарларда қуйидагилар конкрет мисолларда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ:*

– аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига ишга жойлашишда кўмаклашиш ҳамда уларни мамлакат ижтимоий ҳаётига жалб этиш бўйича муваффақиятли тажриба, аниқ мисоллар, таклифлар ва чора-тадбирлар;

– ногиронликка эга кишиларни ишга муваффақиятли жойлаштириш имконияти;

– аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳлари вакилларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб этиш (ногиронликка эга шахслар, шунингдек, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёллар мисолида);

– аёллар ва ногиронликка эга шахслар учун махсус яратилган ёки яратилаётган шароит;

– ижтимоий ночор кишилар гуруҳининг бандлиги масалаларини ҳал этишда ижтимоий шерикчилик зарурлигини акс эттириш;

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқлар, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги давлат дастурлари ва қонунларининг бажарилиши соҳасида журналистик текширув.

### ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН АСАРЛАР ФОРМАТИ

*Номинантларнинг тақдим этиладиган материаллари ва ҳужжатлари қуйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилади:*

– тақдим қилинадиган пакетга танлов иштирокчисининг қисқача таржимаи ҳоли, алоқа ўрнатиш учун манзили ва телефонлари, тақдим этилаётган ОАВ ҳақида маълумот (номи, эълон қилинган санаси)дан иборат алоҳида талабнома киритилади.

*Талабномага илова қилинадиган материаллар қуйидаги тарзда тақдим этилади:*

✷ **Босма ОАВ (газета, журналлар):**

– Босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган асарларнинг (ҳажми камида 500 сўз бўлмоғи лозим) асл нусхаси ёки етарлича ечимдаги тасвирда сканердан чиқарилган нусхаси (саҳифаси ва сарлавҳасини кўрсатган ҳолда), матннинг электрон нусхаси билан.

✷ **Интернет (сайтлар, блоглар – домен.Uz):**

– Интернет-нашрда эълон қилинган асарлар (ҳажми камида 500 сўз бўлмоғи лозим) – матннинг электрон нусхасини қўшган ва интернетдаги материал жойлаштирилган манзилни (link) кўрсатган ҳолда.

✷ **Телевидение:**

– Телесюжет (камида 4 дақиқа давом этадиган) – DVD форматида файлда, эфирга узатилган санани ва эфир вақтини кўрсатувчи маълумотномани илова қилган ҳолда.

✷ **Радио:**

– Радиорепортаж (камида 4 дақиқа давом этадиган) – CD форматида файлда, эфирга узатилган санани ва эфир вақтини кўрсатувчи маълумотномани илова қилган ҳолда.

*Танловга тақдим этилган материаллар қайтарилмайди ҳамда тақриз қилинмайди.*

Танловга материаллар ўзбек ва рус тилларида қабул қилинади.

*Танлов ташкилотчилари “Ижтимоий шерикчилик: бир-бирига пешвоз чиқиш” танловига тақдим этилган материалларни танловга бағишланган босма электрон маҳсулот тўпламларида эълон қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишади.*

### ТАНЛОВНИ ЯКУНЛАШ:

Мукофотлар мустақил экспертлар жумласидан шакллантирилган жюри томонидан берилади.

Танловнинг ҳар бир иштирокчисига БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳасидан фахрий сертификати топширилади.

“Ижтимоий шерикчилик: бир-бирига пешвоз чиқиш” танлови ғолиблари ва лауреатлари БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳаси томонидан фахрий Дипломлар ҳамда қимматли совринлар билан тақдирланадилар.

Танловга асарларни қабул қилишнинг охирги муддати – **2012 йил 26 август.**

*Танловни якунлаш ва натижаларни эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни арафасида ўтказилади.*

Танловга асарлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100109, Қамарнисо кўчаси, 40-уй.**

Тел./факс: (998-71) 214-87-45

*Электрон почта: info@iesp.uz (“Ижтимоий шерикчилик: бир-бирига пешвоз чиқиш” танловига деб белги қўйилсин).*

www.undp.uz

Танловга талабнома

Иштирокчининг ф.и.ш. ________________________

*Иштирокчи ҳақида маълумот (шаҳар, ёши, ўқиш (иш) жойи, ижтирокчи ҳамкорлик қиладиган ОАВ)*

*Асар номи*

________________________

Талабномага илова қилинадиган материаллар:

– эълон қилинган асл нусха, етарлича ечимдаги сканердан чиқарилган босма ОАВ ёки интернет-нашрдан қоғозга чиқарилган нусхаси CD ёки DVD форматда файлда, эфирга чиқарилган санаси ва эфир вақтини кўрсатувчи маълумотнома.

---

ФИКР

**Газетанинг қандай чиқиши кимга боғлиқ? Таҳририят раҳбаригами ёки газета жамоасига? Умуман, бош муҳаррирнинг иши, вазифаси нималардан иборат? “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида бош муҳаррир вазифаси шундай талқин этилган: «Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади...»**

# Вазифа масъулияти

Бу масалада, хориж тажрибаси қандай? Маълум бўлишича, хорижий нашрларда бош муҳаррир вазифасига бошқарув кенгашига раҳбарлик қилиш, кунлик янгиликлар хусусида йиғилиш ўтказиш, барча муҳаррирлар ва ходимлар учун иш меъёрларини ишлаб чиқиш, ахборот, репортаж ва маълумотлар борасида янги ғоялар ўйлаб топиш, мақолаларни таҳрир қилиш ва уларни тегишли ходимларга, бўлимларга юбориш, лозим бўлганда мақолалар ёзиш, бўлим бошқарувчилари билан мақола танлаш, газета дизайни ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилиш киради. Қолаверса, у бошқарувчи муҳаррир билан газета сонларини ҳар куни муҳокама қилиш, фактларни текшириш, матн грамматикаси, ёзилиш услуби, саҳифалар дизайни, суратларнинг якуний кўригини ўтказиш, таҳририятга келган мақолаларнинг бошқа нашрларда босилган ёки босилмаганлигини, уларнинг плагиат матн эмаслигини текшириш, таҳририятнинг тезкор ва стратегик режаларини кенгайтиришга ҳам масъул.

Кўриниб турибдики, бош муҳаррир таҳририят фаолияти учун жавоб беради. Энди савол туғилади: хўш, бу раҳбарлик қандай амалга оширилиши керак? Аниқроғи, қандай раҳбарлик қилиши керак? Раҳбарлик усуллари, йўллари, тартиби, мезонлари ишлаб чиқилганми?

Назаримда, ҳар бир бош муҳаррирнинг ўз услуби, йўналиш мезонлари бўлиши шарт ва зарур. Чунки бугунги муштарийнинг вақти зиқ, талаби катта ва у матбуотдан энг янги, энг қайноқ, энг қизиқ маълумотларни кутади. Лекин, афсуски, ҳозир аксарият газеталарни, айниқса, туман матбуот нашрлари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш. Бу ўша нашрлар ададининг камлиги, интернетдан олинган турли олди-қочдилар билан тўлиб чиқиши билан изоҳланади. Ахир, бозор муносабатларига мослашиш, ўқувчи кўнглига йўл топиш осон эмас. Мабодо муайян мезонлар тизими ишлаб чиқилса, ҳар бир таҳририят учун умумий ва ўзига хос йўналишлар белгиланса ва улар ҳаётга татбиқ этилса, бундан ҳеч ким зарар кўрмайди. Газеталар йўналишидан келиб чиқиб, ўз услубига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллайдиган табригида журналистлар олдида турган вазифаларни санаб ўтади. Бу вазифалар, энг аввало, бош муҳаррирларга тааллуқли, деб ўйлайман.

*«...қалам соҳибларининг тинчликка, аҳилликка, бунёдкорликка даъват этувчи сўзлари онгли фикрлайдиган, Ватан дарди билан яшайдиган ҳар бир одамнинг қалбига йўл топади».*

***(1999 йил)***

*«Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юрт тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим».*

***(2000 йил)***

*«Такрор айтаман: ҳокимият ўз ишини, матбуот ўз ишини виждонан ва холисона адо этиши лозим... Журналистлар ҳам шуни унутмаслиги заруркки, эркин фикр билдиришда албатта маҳорат керак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одоб-андишани йўқотмаслик керак».*

***(2001 йил)***

*«Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади. Чунки ютуқни – ютуқ, камчиликни – камчилик, жиноятни – жиноят, хиёнатни – хиёнат деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ – том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради».*

***(2002 йил)***

*«Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, аввалambор, одамлар манфаатининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли ирода талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатмоғи лозим...*

*Миллий матбуотимизни биз ўзимиз орзу қилаётган халқаро талаблар даражасига кўтариш учун яна нима етишмаяпти?.. бизга бу борада баъзан шижоат етишмаяпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий кўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтганни-айтган қабилидаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда».*

***(2003 йил)***

*«...инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш матбуот аҳлининг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчидир... Ҳимоялаш деганда, бизнинг миллий ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғов ва муаммоларга халқнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни йўлдан олиб ташлаш учун ўз маҳорати ва истеъдодини бағишлашни тушунамиз».*

***(2004 йил)***

*«Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва холислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидасига айланиши шарт».*

***(2005 йил)***

*«Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади».*

***(2006 йил)***

*«Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологиялардан, интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз. ...ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда».*

***(2007 йил)***

*«Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт».*

***(2008 йил)***

*«...матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни турли туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга – бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим».*

***(2009 йил)***

*«Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди».*

***(2010 йил)***

*«Журналист аҳлининг меҳнати, одамларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш, аввало, сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутади».*

***(2011 йил)***

Эътибор қилган бўлсангиз, йилдан-йилга вазифалар кўлами, миқёси ва қамрови кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Демакки, Ватанимиз қай даражада шиддат билан тараққий топаётган, давлатимиз қандай марраларни кўзлаб ҳаракат қилаётган бўлса, журналистларнинг вазифалари ҳам шунга монанд равишда белгиланмоқда. Албатта, бу вазифаларни, энг аввало, бош муҳаррирлар амалга оширади. Лекин юқоридаги дастуриламал вазифалар амалиётга қай тариқа татбиқ этилмоқда, унинг самараси қандай бўлмоқда? Гап ана шунда. Шунинг учун ҳам бош муҳаррирнинг ўрни, вазифаси, масъулияти деган тушунчаларга аниқ, лўнда изоҳ бериш, шу асосда бош муҳаррир фаолиятига баҳо бериш фойдадан холи эмас.

Бизнингча, таҳририят етакчилари, аввало, жамоаси, журналистлар томонидан эътироф этилсагина обрў қозона олади. Қолаверса, дунёқарашнинг кенглиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки таҳририят раҳбари мамлакатимиздаги, жаҳондаги рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини, сиёсатни нозик илғай олиши жуда муҳим. Акс ҳолда, матбуот нашрининг савиясини кўтариш, ададини ошириш мушкул. Энг муҳими, шуларсиз ўқувчининг эътирофига эришиш қийин кечади.

**Моҳидил РАВШАНОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

---

МАЛАКА ЎҚУВИ

# Ёш кадрлар — журналистика истиқболи

**Самарқанд вилоят матбуот уйида “Ахборот соҳасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусида семинар ўтказилди. Унда иштирок этган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, журналистлар Президентимиз шу йил 9 май куни пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросимдаги интервьюсида халқимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги, мамлакатимиз тараққиёти ҳақида ғоят қимматли фикрларни баён этгани ва бу ҳар бир юртдошимизга дахлдор эканлигини алоҳида қайд этдилар.**

— Президентимизнинг ёшлар ҳаёти, улар келажаги ҳақида куйиниб гапиришлари бежиз эмас, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Чунки юртимизда давлатимизнинг юксак эътиборидан баҳраманд бўлиб ўсаётган йигит-қизлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб жамиятда ўз ўрнини топишга интилмоқда. Бундай вазиятда фарзандларимизни чалғитмоқчи, уларнинг дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмоқчи бўлган кучлардан, "оммавий маданият"дан асрамоғимиз даркор. Бунинг учун эса уларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, оқу қорани ажратиб олишларига ёрдам бериш лозим. Ёшларимизнинг ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишлари, баҳс-мунозарага киришишлари учун газета, журналларимиз, телевидение ва радиода уларга кенг ўрин беришимиз зарур. Бунда, айниқса, интернет журналистика имкониятларидан самарали фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Худоёр Маматов давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва таклифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотганинини таъкидлади.

Семинарда, шунингдек, вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида ёшлар ҳаёти, уларнинг ўй-фикрлари, ғоя ва ташаббусларини кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, янги ташкил этилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар, рукн ва махсус саҳифалар ҳақида маълумот берилди. Билдирилган фикрлар асосида керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти қошида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган "Журналистик маҳорат маркази"нинг навбатдаги — 20 нафар битирувчисига сертификатлар топширилди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ**

**Дараклар**

### ЗАРЧАВАНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТИ АНИҚЛАНДИ

**"Корреспондент" нашрида ёзилишича, британиялик олимлар дориворлар туркумига кирувчи зарчава (карри) устида тадқиқот ўтказиб, унинг ёрдамида ичак саратони касаллигини даволаш мумкинлигини аниқлашди. Олимларнинг фикрича, ичак саратонининг авж олишини секинлаштирувчи хусусиятга эга ушбу зираворни мунтазам таомларга қўшиб истеъмол қилган беморнинг аҳволи сезиларли даражада яхшиланади.**




Австралиянинг Перт университети олимлари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қадоқланган мевали ичимликлар ҳам саратон касаллигини қўзғатувчи воситалардан бири саналади. Британия соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу шарбатларда шакар моддасининг кўплиги, сунъий қўшимчаларнинг мавжудлиги сабаб қадоқланган шарбатларни тавсия қилинган маҳсулотлар рўйхатига киритмаслик кераклигини айтиб ўтган. Табиий мева шарбатлари эса, аксинча, ушбу касаллик билан оғриган беморлар учун айни муддао.

### САМОВИЙ МЎЖИЗАЛАР СИРИ

**Астрономлар Андромед галактикаси билан Сомон йўлининг тўқнашуви кунини аниқладилар. «The Astrophysical Journal» («Самовий психология журнали») нашрида ушбу мавзуга бағишланган бирйўла учта мақола ёритилди, дея маълумот беради «Nature News».**




Андромед галактикаси Ер сайёрасидан 2,5 миллион ёруғлик йили узоқликда жойлашган бўлиб, Сомон йўлига энг яқин галактика ҳисобланади. Олимлар тадқиқот доирасида Андромед қуюқлигидаги 12 минг юлдуз ҳаракатини ўрганиб чиқдилар. Натижада маълум бўлдики, Андромед галактикаси билан Сомон йўли 4 миллиард йилдан сўнг тўқнашади. Бунинг оқибатида Қуёш ва бошқа сайёралар системаси ўзининг ҳозирги турган ҳолатини 26 минг ёруғлик йилига ўзгартиради.

### ҚЎШАЛОҚ ЭГИЗАКЛАР

**Хитойнинг Сичуань музофотидаги қишлоқда истиқомат қилувчи аёл битта танада ривожланган эгизак қизалоқларни дунёга келтирди. Чақалоқларда иккита бош, умуртқа, қизилўнгач ва иккита юрак бор. Чап тараф аъзолар фақат уларнинг бири учун, ўнг тараф аъзолар иккаласи учун хизмат қилади.**



Суйнин Марказий шифохонаси тиббий хизматлар департаменти ўринбосари Чжан Либиннинг айтишича, қўша чақалоқларни бир-биридан ажратиш операциясини амалга оширишнинг деярли иложи йўқ.

Бундай эгизаклар ирсий мутация оқибатида юзага келган бўлиши мумкин, деб қаралмоқда. Аммо аёл бир неча бор тиббий кўрикдан ўтган бўлса-да, эгизаклар дунёга келгунга қадар буни шифокорлар аниқлай олишмаган.

### ХАСИС МАЛИКА

**Саудия Арабистони маликаси Маха аль-Судаири Париждаги Shangri-La меҳмонхонасининг люкс хизматларидан фойдалангани учун 6 миллион евро қарзини тўламасдан қочишга уринган. Бу ҳақда Le Parisien газетаси ёзмоқда.**



Аль-Судаири 2011 йилнинг декабрь ойидан бери ўзининг 60 нафар мулозимлари билан меҳмонхонанинг бир қаватини банд қилиб, яшаб келаётганди. Ана шундай мавқеига эга меҳмон 31 май куни кечқурун ҳеч қандай тўловларни амалга оширмай жуфтакни ростламоқчи бўлди. Аммо қўриқчилар хушёрлик кўрсатиб, полицияга мурожат қилишди.

Shangri-La меҳмонхонаси раҳбари Ален Боржернинг шанба куни France-Presse ахборот агентлигига берган маълумотида, ижарачиларнинг меҳмонхонадан ҳеч қандай қарзлари йўқлигини айтиб ўтган. Аммо полиция ходимлари маликанинг тўловларни амалга оширмасдан меҳмонхонадан қочишга урингани ҳақида хабар олишган. Маха аль-Судаири Саудия Арабистони шаҳзодаси Наифа бин Абн аль-Азизнинг собиқ рафиқаси саналади. У илгари ҳам бундай шов-шувли воқеалар марказида бўлиб, ҳамманинг диққатини тортишга улгурган. Малика 2009 йилда Париждаги заргарлик буюмлари магазинидан 89 минг еврога тенг тақинчоқларни қарзга олган ва бу иш сал қолса, судга оширилиши мумкин эди. Шаҳар нозирлари Аль-Садаири уйига келиб белгиланган пул миқдорини тўлашни сўрамагунларича тўловни амалга оширмаган.

### ГАЗЛИ ИЧИМЛИКЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

**Нью Йорк ҳукумати қаттиқ газланган ва таркибида шакар бўлган ичимликларни сотишни тақиқлаб қўймоқчи. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди.**



Аниқланишича, шу йўл билан шаҳар аҳолисининг семириб кетиши олдини олиш мумкин экан. Шаҳар мэри Майкл Блумбернинг фикрича, маҳаллий аҳолининг аксарият қисми ушбу тақиқни қўллаб-қувватлайди.

Эндиликда Нью-Йорк АҚШда ана шундай тақиқ қўйилган биринчи шаҳар бўлади. «The New York Post» газетасининг таъкидлашича, ушбу тақиқ 2013 йилнинг март ойидан кучга киради.

**Садоқат АСЛАНОВА, Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.**

**Шарҳ**

# Одам ва олам муаммолари

**Дунёда фан ва техника тараққий этгани сари кўплаб экологик муаммоларга дуч келинмоқда. Уларнинг ечимини топиш жаҳон ҳамжамиятидан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни талаб этади. БМТ ташаббуси билан 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланиши ҳам дунё жамоатчилигининг эътиборини экологик муаммоларга жалб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экологик дастур ва лойиҳалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**



Айниқса, XXI асрга келиб муаммо — глобал иқлим ўзгаришлари билан уйғунлашиб, инсониятнинг экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор қаратишини тақозо этмоқда.

Табиий ва минерал хомашё захираларидан пала-партиш фойдаланиш, ўрмонларнинг ўйламай-нетмай кесилиши, табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган улкан саноат корхоналари бунёд этилиши натижасида чиқиндиларнинг ҳавога чиқарилиши асосий сув ҳавзалари ва ер майдонларини бутунлай ифлослантириб бўлди. Экологияга зарар келтирадиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш эса бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетиши, иқлим мувозанатининг бузилишига олиб келаётгани эндиликда сир эмас. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар кейинги йилларда мазкур муаммонинг янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар.

Бир сўз билан айтганда, экологик вазият башариятнинг умумий муаммосига айланди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш эса инсониятни фожиавий аҳволга солиши тайин. Афсуски, ҳали кўплаб давлатлар бу муаммога бепарво муносабатда бўлаётирлар.

Экологиянинг тобора издан чиқаётганини Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларнинг тез-тез такрорланиб туришида ҳам кўриш мумкин. Бундан ҳам ёмони экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораётганидир.

Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар иқлим ўзгаришларининг олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралияда жиддий ижтимоий можаролар ва муаммолар келиб чиқишини таъкидламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниш олиши ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу билан бирга замонавий халқаро муносабатлар дунё халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммолар, айниқса, минтақавий ва давлатлараро можароларни ҳал қилиш, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, экологик хавфсизликни ҳамжиҳатликда таъминлашни талаб этаётир.

Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан етарли чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсли қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронакор довуллар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий можаролар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини бот-бот такрорлай бошладилар. Мутахассислар таъкидлашларича, Ер ва Жаҳон океани атмосферасидаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб боришига очиқ электростанциялар, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа ифлослантирувчи манбалар ҳаво бўшлиғига йилига 22 миллиард тоннага яқин зарарли газларнинг чиқарилиши сабаб бўлаётган экан. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқилиши ва бошқа манбалар эса йилига 250 миллион тонна метан ҳосил қилаяпти. Энг ачинарлиси — инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетаяпти.



БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маърузасида таъкидланишича, XXI аср охирига бориб, ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Рақамларга кўз ташласак, Ер шари аҳолисининг ярмидан кўпроғи — 6,9 миллиарддан 4,3 миллиардгача киши чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшамоқда. Биргина Австралияда табиий ва инсон омиллари оқибатида суғориладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз аҳволга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўнлаб баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларни ифлослантирмоқдалар. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаяпти. Тупроқ таркибидаги намлик даражаси ҳам ортаяпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар барча мамлакатлар учун оғир муаммога айланди, десак, муболаға бўлмайди. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллиони ҳар йили деградацияга учраб, муомаладан чиқиб кетаётгани ташвишланарли ҳолдир.

Албатта, табиат ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди, бу узоқ давом этадиган жараёндир. Шундай экан, тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва келажаги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Табиийки, халқаро ҳамжамият атроф-муҳит шароитларини яхшилашга қанчалик кам эътибор қаратгани сайин табиат ҳам инсондан шунчалик кўп ўч олмоқда. Дунёнинг бир бурчагида кузатилаётган қурғоқчилик, иккинчи қисмида рўй бераётган сув тошқинлари, яна бир минтақада содир бўлаётган ҳалокатли зилзила ва цунами бунинг яққол исботидир

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология билан боғлиқ муаммолар Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бегона эмас, албатта. Тожикистондаги Помир ва Тян-Шандаги музликларни ўрганиш ҳамда асраш дастури муаллифлари хулосасига кўра, минтақадаги сув захираларининг 60 фоизини ташкил этувчи музликлар хавф остида. Тожикистон об-ҳавони кузатиш маркази мутахассисларининг маълумотларига қараганда, биргина Федченко музлиги 1937 йилдан 2007 йилга қадар 1,5 километр узунлик ва 800 метр баландликда эриган. Сўнгги 60 йил давомида Марказий Осиёнинг жанубий қисмида ҳаво ҳарорати 1 даражага кўтарилгани музликлар эришининг жадаллашувига ҳам таъсир ўтказмай қолмаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқлим исиши таъсиридан келгуси беш йил орасида тахминан 1,5 мингта каттаю кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин. Жаҳон банкининг ҳисоботида Тожикистондаги абадий музликларнинг эришига фақат иқлим ўзгаришларигина эмас, балки атроф-муҳит ҳимоясига эътиборнинг сустлиги ҳам сабаб бўлаётгани қайд этилган.

Маълумки, сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 маротаба камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мўйноқдаги «кемалар қабри»ни ўз кўзи билан кўрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам Марказий Осиё давлатларига сафари чоғида экологик муаммоларини ечишда ҳамкорликни кучайтиришга чақириши ҳам бежиз эмас. Чунки 1960-йилларга қадар дунёнинг тўртинчи йирик кўли ҳисобланган Орол денгизи ҳозирги пайтда тенг ярмига қисқарди. Мутахассисларнинг айтишича, Орол денгизи минтақадаги атроф-муҳит фожиасининг эпицентри, холос. Бир пайтлар Оролбўйида кенг ривожланган балиқчилик саноати ўрнини камқонлик, ўткир нафас йўли хасталиклари эгаллаганини айтмаса ҳам бўлади. Орол фожиаси етмаганидек, Турсунзода шаҳридаги алюминий корхонасидан чиқаётган тутун нафақат Тожикистоннинг ғарбий қисми, балки Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи ва бошқа туманлари аҳолисини ҳам заҳарламоқда. Бу офат Тожикистон ҳукуматини умуман ташвишлантирмаётгани эса минтақа ва жаҳон афкор оммасининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг маълумотларига қараганда, иқлим ўзгариши, тропик ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши ва ноқонуний тарзда уюштирилаётган овлар туфайли ер юзидаги маймунларнинг учдан бир қисми қирилиб кетган. Глобал гуманитар форум ҳисоботида айтилишича, иқлим ўзгариши туфайли ҳар йили 315 минг нафардан зиёд инсон ҳаётдан кўз юммоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 500 мингтага етиши мумкин. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари сабаби ҳар йили 325 миллион кишининг соғлиғига путур етказаяпти.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим исиши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслигига ҳам кафолат йўқ. Орол денгизининг қуриб бориши, жаҳон океанларидаги ҳароратнинг ўзгариши ва ёзда Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига бугун жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, бирон-бир мамлакат ёки халқнинг онатабиатни асраб-авайлашдек савобли ишдан четда туришга ҳаққи йўқ. Акс ҳолда табиат ҳам биздан аёвсиз ўч олиши мумкин.

**Абдували АБДУЛБОҚИЕВ**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЛОЙИҲАЛАРИ

*2012 йил 1-босқич бўйича «Ўзбекистондаги ҳудудий ННТларнинг ижтимоий-аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи Грант дастурлари»*

***Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия Фонди, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастурининг «Аҳоли бандлигини таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида қуйидаги грант танлови бўйича аризалар қабул қилиш бошланганлигини эълон қилади:***

**«Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнларига ННТларни жалб этиш»**

*Танловга Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширишга йўналтирилган қуйидаги йўналишлар бўйича лойиҳалари қабул қилинади:*

- манзилли ижтимоий ҳимояни янада кучайишига кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўта муҳтож оилаларни турмуш даражасини яхшилаш, бепул ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш;
- ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўта муҳтож оилаларга, шу жумладан жисмоний имконияти чекланган фуқароларга ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолиятига ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини (жамоат институтлари) жалб этиш;
- жисмоний имконияти чекланган ҳамда кам таъминланган оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни, шу жумладан иш билан таъминлаш имкониятларини янада кенгайтириш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг самарасидан манфаатдор томонларнинг хабардорлигини янада ошириш;
- Имконияти чекланган инсонларнинг эҳтиёжларига зарур бўлган протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш бўйича янги иш жойларини яратиш;
- Ўзганинг ёрдамига муҳтож якка, ёлғиз қарияларга, пенсионерлар ва ногиронларга уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш.

**Қатнашчиларга қўйилган зарурий талаблар**

*Ариза бериш учун, аризачи:*

- Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши;
- Ўзбекистон Республикасининг бирор-бир аниқ ҳудудида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритиши;
- Лойиҳани амалга оширишда қайд этилган маблағнинг 50 фоизи миқдорида ўзининг ёки ҳамкор ташкилотнинг молиявий маблағ ёки пулсиз шаклдаги (хона ижараси, моддий ресурслар ва бошқаларни тақдим этиш) бўлиши;
- Ҳамкор ташкилот билан лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишда бевосита жавобгар бўлиш, лойиҳани амалга оширишни учинчи шахсга топширмаслиги;
- Танловга тавсия этилган лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун барқарор ташкилий-техник тузилмага эга бўлиши лозим.

**Афзалликлар:**

- Танлов иштирокчисининг лойиҳага талаби даражасига ва мураккаблигига мос келувчи фаолиятни ташкил этишдаги юқори салоҳиятга эгалиги, лойиҳанинг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож оилалар, аёллар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг манфаатларига мос келувчи ижтимоий хизматлар кўрсатишни ривожлантиришга қаратилганлиги;
- Танлов жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий ҳамкорликни кучайишига, ҳамкорликда лойиҳани амалга оширилишига муҳим эътибор қаратилади.

*Ҳар бир лойиҳани бажариш учун ажратиладиган энг юқори грант маблағи миқдори 15 млн. сўмни ташкил этади.*

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

1. Танлов номи кўрсатилган Ижроия ишчи органи номига эркин шаклдаги Кузатув хати;
2. Грантга www.fundngo.uz, www.sisf.uz www.fundforum.uz, www.undp.uz сайтларида кўрсатилган шаклдаги лойиҳа аризаси;

(Танлов иштирокчилари Ижроия ишчи органга қуйида кўрсатилган манзил бўйича: *Танлов иштирокчисининг номи ва реквизитлари кўрсатилмаган лойиҳа аризасининг бир дона босма нусхаси; ташкилот тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ҳолдаги бир дона аноним нусхаси;* Times New Roman 14 шрифтда MS Word форматида бир дона электрон шаклда лойиҳа аризаларини тақдим этишлари лозим.)

3. Лойиҳани амалга ошириш бўйича Календарь иш режаси лойиҳа аризасига илова қилинади.
4. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси.
5. Корхона Низомининг нусхаси (барча охирги қўшимча ва ўзгартишлари билан ва сўнгида корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда).
6. Кўмак хати

Аризалар ўзбек ва рус тилларида қабул қилинади.

Муддатдан кейин тақдим этилган ёки талаб этилган барча маълумотлар кўрсатилмаган Лойиҳа аризалари танловда иштирок этмайди.

Ҳужжатлар ушбу танлов оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилина бошлайди. Ҳужжатлар қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йилнинг 8 июнь соат 18-00 гача қабул қилинади.

Танловга иштирок этиш бўйича ҳужжатлар ва кузатув хати (А4 формат) ариза билан (шунингдек CD дискда электрон шаклда) **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**га жўнатилиши лозим.

*Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси 1, 100035. Тел./факс: (998-71) 239 -26-76, 239- 26-64*

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан бўлган танлов иштирокчилари учун ташкилот бошқарувчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган ҳужжатнинг сканер қилинган шакли қуйидаги электрон манзилга жўнатилиши рухсат этилади: funduz@parliament.gov.uz

**Маълумот учун телефонлар: (998 - 71) 239-26-76, 239-29-38, 214-87-45**

ПУБЛИЦИСТ ИЖОДХОНАСИДА

# ЗИЛОЛ СУВ

Бор бўлса бешми, ўн мухлис, шеърхоним,
Ёзмоқ — бахт қаламим учини ўпиб.

ЗУЛФИЯ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раҳима Шомансурова гул-гул очилиб, чор тараф сочилиб, борлиқни алқаб, роса хумори тарқаб, ям-яшил ёз кўксига мастона ва ястона бош қўйган, турфа қушлар тилида афсона, шоирлар назмида достон бўлган шу кунларда умр йўлининг довонларидан хормай-толмай, замондан орқада қолмай, пиру бадавлатлик, согу саломатликда ижод боғида илҳомланиб юрган серқирра ижодкорларимиздан биридир.

Ёшликда бир ҳамкасаба дугонам, шеърият шайдоси ўз туғилган кунида: "Лермонтов 27 ёшида Русь тимсолига айланди. Мен бўлсам, ҳали ҳам бир ҳавасакорман..." дея юм-юм йиғлаганини эслайман. Шунга қараганда, инсон нафақат вақти-вақти билан ўз-ўзига ҳисоб бериши, балки ўзини ва ўзлигини таниб бориши керак экан-да! Нима дедингиз? Шундай дейдиган бўлсак, Раҳима опа бу кунга кўтаринкилик, салмоқли ҳисобот, шукроналик ила келганини кўриб қувонаман.

Яқиндагина, суҳбат давомида "Кўз очиб юмгунча ҳам сезилмаган вақт яна ўн йиллимизни олиб кетибди-я..." дея ўзимизча сарҳисоб қилганимиз ёдимда. Кейинги йиллар кимга қандай келиб ва кимдан қандай кетгани ҳар кимнинг ўзига аён-у, аммо Раҳима опа шу ўн санада аввалгилардан ҳам баракалироқ ва салмоқлироқ ижод қилибди.

"Руҳ поклиги — дил жилосидан" (2004 йил, "ЎзМЭ" нашриёти. "Қадр кеча қатралари" ва "Оналарим — моҳларим" (2008 йил, "Янги аср авлоди" нашриёти), "Келин бўлиш сирлари" ва "Момоларнинг ўгити" ("Қизлар китоби" сериясидан, 2009 йил, "Янги аср авлоди" нашриёти), "Келинлик одоблари" ("Эр эпламоқ осон, лекин...") (2009 йилда бу китоб Шинжонг халқ саҳия нашриётида уйғур тилида 5000 нусхада чоп этилди. Таржимон — Азизий), "Аёл иқлими" ("Қизлар китоби" сериясидан, 2010 йил, "Янги аср авлоди"), "Оилангиз — қальъангиз" ва "Момоларнинг ўгити — ойдин бахтинг калити" (2010 йил, "Шарқ" нашриёти), "Қирқ қизнинг ибрати" ("Қизлар китоби" сериясидан, 2011 йил, "Янги аср авлоди" нашриёти), "Билганинг — ўзингга" ("Қизлар китоби" сериясидан, 2011 йил, "Янги аср авлоди"), "Қизлар китоби" (Урумчи, Шинжонг халқ саҳия нашриётида уйғур тилида 5000 нусхада чоп этилди. 2012 йил. Таржимон — Рўзимуҳаммад Муталлиб). Булардан ташқари, Раҳима опа "Тонгнинг ўзидай пок ва ёрқин", "Ибратли умр" каби бир қанча китоблар тўпловчиси, махсус ва масъул муҳаррири ва ҳаммуаллифи бўлдилар. Шунингдек, "Хотин-қизлар энциклопедияси" 2006 йилда "Аёлларнинг бахт қўшиғи" номи билан Урумчида Шинжонг халқ саҳия нашриётида катта нусхада, уйғур тилида нашр қилинди. Таржимонлар: Азизий ва Вали Карим Кўк Али.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида, мактаблар ва маҳаллаларда ёшлар тарбияси, қизларни оилага тайёрлаш, маданий-маърифий-ахлоқий мавзудаги чиқишлари билан тинглoвчи ва мухлислар давраси кенгайтирди.

Раҳима Шомансурова чиндан ҳам маърифий ва публицистик йўналишда ижод қилувчи хотин-қиз журналистлар орасида меҳнатсеварлиги, ғайрати, касбига, қаламига садоқати, қолаверса, ўзигагина хос услуби билан ажралиб туради. Агар адашмасам, аҳли қалам кечирадиган туйғуларнинг энг гўзали, энг оғриқлиси, шу билан бирга энг ширини ҳам сўз айтиш ва уни тинглай олиш бўлса, ажабмас. Бундай дейишимга боис, аҳли қалам нафақага чиқиб ҳам қаламдан кеча олмаслигидир. Бошқа касб эгаларига нисбатан биз доим "нафақага чиққанларида кексалик гаштини суриш" иборасини ишлатамиз. Буни ўзимиз тўқиб чиқармаганмиз, балки онахон ва отахонларимизнинг бир-бирларига "қариганда етти қат кўрпачада, фарзандлар ардоғида, роҳат-фароғатда ҳаёт кечиришни" тилаб қилган дуоларидан олгандирмиз.

Шу ўринда қаламни муқаддас билган, қалам аҳлини қаттиқ ҳурмат қилган, ҳатто ўзига қарши сўз айтса ҳам жазоламаган, Қуръони каримни ва ўз замонасида ёзилган барча китобларни мутолаа қилган ҳазрати Амир Темур бобомиз шундай деган эканлар: *"...Менга Маҳмуд Шабистарийнинг "Шабистони хаёл" ("Сирлар ёғдуси") номли китоби маъқул келди. Гарчи у шиа мазҳабидаги етти имомнинг издошларидан бўлса ҳам, унинг Худо хусусидаги, фоний ва боқий дунё ҳақидаги фикрларидан қаттиқ таъсирландим. Кейинчалик унинг мамлакатини забт этганимда, Шабистар аҳолисига зиён-заҳмат етказмадим... Шабистар аҳолисининг сонини аниқлашларини буюрдим. Ўн беш ёшдан юқори фуқароларини санаб чиқишди — 3891 нафар жон экан. Ҳар бирига беш мисқолдан олтин беришларини амр қилдим.*

Атрофимдаги одамлар нега бундай иш тутганим, Шабистар аҳолисига саховат кўрсатиб, тилла улашганим боисини тушунмай ҳайрон эдилар. Мен ҳам уларга бунинг сабабини айтмай қўя қолдим, чунки оддий одамлар улуғларнинг хоҳиш ва иродасини тушунишга қодир эмаслар. ...Бу сирни ҳозир, мана шу ўринда очдим. "Сирлар ёғдуси" менинг онгимни ёриштиргани, илмнинг кўп чигалликларини ечишимда омил бўлгани — мурувват




кўрсатишимнинг сабаби эди." (Марсель Брион. "Менким, соҳибқирон — жаҳонгир Темур" китоби. 27-бет).

Буюк Соҳибқирон ҳиммати, қаламга ҳурмати бежиз эмас эди. Зеро, ул Зот хотираларида Қуръони каримни ёд билганликларини ва унга амал қилганликларини қайд этадилар.

Демак, қаламдан мурод ҳақни танимоқ, илм, маърифат ҳосил қилмоқ экан, муҳтарам Юртбошимиз ОАВ ходимларига қарата кўп бор таъкидлаганларидек, баркамол авлод тарбиясида аҳли қаламнинг масъулияти ҳар доим каттадир. Таниқли публицист Раҳима Шомансурова ҳам қаламга содиқлиги, халқимиз маънавиятини бойитишга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг энг мўътабар мукофотларидан бири — "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги хотин-қиз журналистларнинг «Атиргул» танловида уч бора совринли ўринларни қўлга киритди, оила ва жамиятда, маҳаллада, дўстлар даврасида ҳам азизу мукаррам онахон сифатида ҳурмат-эҳтиром қозонди.

Умрни оқар сувга менгзашади. Бу балки, бежиз эмасдир. Чунки сув ўз ўзанида оқа-оқа неча-неча чанқоқ дилларни қондиради.

Мен Раҳима опани чанқоқ дилларга интилаётган зилол сувга ўхшатаман...

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

# ҲАҚҚОНИЙЛИК ҚАНИ?!

## ЁХУД «ТОЖ МАҲАЛ»ДАГИ ФОЖИАЛИ МУҲАББАТ» МАҚОЛАСИ ХУСУСИДА

Иттифоқо «7x7» газетасига кўзим тушди. Газетанинг шу йилги 12(768)-сонидаги «Тож Маҳал»даги фожиали муҳаббат» мақоласи эътиборимни тортди. Ҳиндшунос ва бобурийлар даври тарихи бўйича илмий ишлар билан шуғулланганим учунми, Бобур Қомусига илова қилинажак Бобурийлар библиографиясига оид яна битта мақола топилди, дея хурсанд бўлдим. Афсуски, мақола бошдан адоқ хато ва камчиликлардан иборат экан.




Ҳатто биринчи жумланинг ўзиёқ ғализ эди. «... уни на молу давлат, на тожу тахт қизиқтирмаган». Эътибор қилсангиз бу дегани «у молу давлатга, тожу тахтга ҳирс қўйган» маъносини англатади.

«Тож Маҳал» обидасининг бош устаси самарқандлик экани ва унинг бобурийзода малика — Жаҳон Оро бегим билан муҳаббати муаллифнинг уйдирмаси. Тўғри, бу гўзал иншоотни яратишда Самарқанддан Муҳаммад Шариф исмли меъмор ва яна икки нафар бухоролик уста ҳам иштирок этган. Аммо «Тож Маҳал»нинг бош устаси Аҳмад Лоҳурий бўлган. Қандаҳордан Муҳаммад Ҳаниф, Мўлтондан Муҳаммад Саййид, Лоҳурдан Қозим Хон каби моҳир қурувчи усталар, шунингдек, Сурия, Бағдод, Кануаж каби шаҳарлардан ўймакор-каллиграфлар ва дизайн безакчилар қатнашган. Ҳатто бу обиданинг бунёд этилишига фаранг усталари, италиялик қурувчилар ҳам жалб этилган.

«Ўн саккиз йилда барпо этилган қаср» ибораси ҳам тузатишга муҳтож. Аввало, бу қаср эмас мақбара. Қасрда тирик одамлар яшайди, мақбара эса марҳумларнинг жойи. Муаллиф қайси манбага асосланиб «Тож Маҳал»нинг қурилишини 18 йил деб белгилаганини билмадим-у, ҳинд, урду, форс, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги барча китобларда унинг 22 йилда қуриб битказилгани ҳақида маълумотлар бор. Янада аниқроғи, саккиз йилда барпо этилган мақбаранинг қолган ишлари (майда безаклар, боғлар, мачит ва шийпон) 1633 йилгача чўзилган.

Муаллифнинг ёзишича, мақбара битгач, подшоҳнинг (мақолада шоҳ дейилганки, бу ҳам нотўғри. Бобур мирзо ўзини подшоҳ аташларига буйруқ бериб, темурий наслини яна бир бор улуғлайди. Шоҳ эса Эрон ҳукмдорларига нисбатан ишлатилган.) буйруғи билан устанинг қўли кесиб ташланади. Ҳурматли муаллиф, наҳотки, бобурийларга нисбатан шундай туҳматни раво кўрдингиз? Ахир, сизнинг бундай нотўғри талқинингиз оқибатида ўқувчиларда тарих ва бобурийларга нисбатан қандай туйғу уйғонади? Ҳиндистон халқларининг маданияти, адабиёти, санъати ривожланишида бобурийлар ниҳоятда муҳим ўрин тутганини ҳинд олимлари ва давлат арбоблари кўп бора таъкидлаганлар. Негаки, бобурийлар Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа давлатлардан келган ҳар бир олим, хаттот, мусаввир, шоир, уста каби қобилиятли инсонларни қадрлаб, уларга улуфа, бошпана ва маблағ бериб рағбатлантирган. Жумладан, «Қизил Қалъа» бош меъмори Мукаррам Хонга Шоҳ Жаҳон томонидан беш минг ҳазори мансаби берилгани фикримизнинг далилидир. Қандай қилиб шундай олижаноб инсон — Шоҳ Жаҳон устанинг қўлини кестириши мумкин? Бу туҳмат эмасми?!

Малика томонидан дарёнинг бошқа қирғоғида қора мармардан «иккинчи Тож Маҳал»ни яратиш ибораси ҳам ҳақиқатга зид. Бу ғоя шахсан Шоҳ Жаҳонники бўлиб, унинг ўзи учун атаб қора мармардан шундай мақбара яратиш нияти амалга ошмайди. Давлат хазинасидаги маблағнинг исроф бўлаётганини рўкач қилган сарой амалдорлари ва малика Раушан Оро бегимнинг сиёсати оқибатида Шоҳ Жаҳон тахтдан ағдарилади.

Хуллас, муаллиф И.Аҳмедов қаламига мансуб мазкур мақолани чоп этган газета унинг на тарбиявий аҳамиятига ва на ҳаққонийлигига эътибор қаратган. Зеро, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш» ҳақидаги фикрлар бежиз билдирилмаганини эсда тутишимиз керак. Бир думалаб бобуршунос бўлиш осон эмас.

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, мақоми ва мақсадларидан қатъи назар, газета халқчил ва ҳаққоний бўлиш билан бирга, ёшларимизни маънавий тарбиялаш вазифасини бажаришини унутмайлик.

**Ботирали ЙЎЛДОШЕВ,**
**шарқшунос**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАЖРИБАСИДАН

# ҲЕССИНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

XX аср олмон адабиётининг улкан намояндаларидан бири, Нобель мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе (1877-1962) ўзининг кўплаб роман, қисса, ҳикоялари, шеърлари билан дунё адиблари орасидан муносиб ўрин эгаллаган. Ёзувчининг, «Чўл бўриси», «Маржонлар ўйини», «Демиан» каби асарлари катта довруқ қозонган. Шунингдек, «Ғилдираклар остида» романи, «Нюрнбергга саёҳат» сафарномаси, «Курортдаги киши» қиссаси ҳам шулар жумласидандир.




Илк бор 1927 йилда нашр этилган «Чўл бўриси» романи теран психологик асар бўлиб, муаллифга оламшумул шуҳрат келтирган. Асарда ўз-ўзини таҳлил қилиш ва маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаламга олинади. Муаллифнинг аввалги асарларида ҳам акс эттирилган Руҳга мурожаат этиш услуби мазкур ижод маҳсулида ҳам ўзининг якуний ҳамда тўлақонли ифодасини топган. Ёзувчи Томас Манн ушбу роман ҳақида шундай ёзган эди: «Чўл бўриси» экспериментал дадилликда «Улисс» ва «Faux Monnayeurs» сингари асарлардан қолишмайдиган китоб эканини айтиб ўтиришга ҳожат бормикин? «Чўл бўриси» менга анчадан буён илк бор ҳақиқий китоб мутолааси нималигини қайтадан ўргатган асардир».

Дарҳақиқат, мазкур роман Ҳессе ижодининг дурдонаси ҳисобланади. Адиб ушбу асарни 1924-1927 йилларда ёзган. Асарнинг яратилиши кўп жиҳатдан адиб ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ўз бошидан кечирган руҳий инқироз билан боғлиқ. Рут Венгер хоним билан бўлган никоҳнинг барбод бўлиши, ижодий ишларнинг мажбуран тўхтаб қолиши, ўша даврдаги пулнинг қадрсизланиши ва бошқа иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ танг аҳвол, шунингдек, Германиядаги сиёсий вазият ҳам ёзувчини тушкун бир ҳолатга олиб келади. У ўзини чиндан ҳам ёлғиз, ҳорғин ва ҳолдан тойган «чўл бўриси» янглиғ ҳис этиши ҳам асар ёзилишига туртки бўлган.

Асарда воқеалар биринчи шахс номидан, яъни ёлғизланиб қолган эллик ёшлар атрофидаги инсон тилидан ҳикоя қилинади. Мазкур шахс тимсолида инсон ички дунёсининг, ботиний вужудининг бениҳоя серқирра экани ибратли тарзда очиб берилади. Асар қаҳрамони — ҳаётдан тўйган, яшашдан безган, тарки дунё қилган дарвеш ҳолатдаги инсон. У ҳатто эллик ёшга тўлган кунида ўзини ўзи бўғизлаб ўлдириш учун уйда устарани ҳам шай қилиб қўйган. Ўзини ярим инсон, ярим бўри, деб ҳисоблайди. Ўзидаги мазкур бўлинишни енга олмайди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Чўл бўриси» ёлғизланиб қолган невротик хастанинг шунчаки «патологик ёзишмалари»гина эмас, балки у муайян давр ҳужжати, «давр хасталиги», яъни «Ҳаллер мансуб бўлган авлод чалинган невроз касаллиги тарихи» ҳамдир. Ҳессе ана шу хасталик аломатларини чуқур таҳлил қилиб, аёвсиз фош этади. Адиб романнинг Швейцарияда чоп этилиши муносабати билан ёзган «Сўнгсўз»ида шундай дейди: «Мен, албатта, китобхонларга ушбу қиссамни қандай тушунишлари хусусида маслаҳат бера олмайман ва бермоқчи ҳам эмасман. Ҳар бир ўқувчи ундан ўзига керакли ва фойдали хулосани ўзи чиқариб олаверсин! Чўл бўриси ҳақидаги ҳикоя, гарчи хасталик ва танглликни тасвир этса-да, бироқ бу хасталик ўлимга олиб бормайди, бу танглик таназзул эмас, балки аксинча: шифо, даво, муолажадир». Муаллиф яна давом этади: «Ҳар ҳолда менга «Чўл бўриси» китобларим орасида кўпроқ нотўғри тушунилган асар бўлиб кўринади, кўпинча унинг ўқувчилари хайрихоҳ, инкор қилиш у ёқда турсин, ҳатто қойил қолишган китобхонлардир. Улар каминанинг китобидан мутаассир бўлишган, лекин қизиғи шундаки, улар асар мазмун-моҳиятининг атиги ярминигина тушуниб етишган, холос. Ушбу ўқувчилар, менинг назаримда, «Чўл бўриси»да ўзларини топишган, ўзларини унга ўхшатиб, у билан тенглаштиришган, унинг изтиробларига шерик бўлиб, орзуларини баҳам кўришган...»

«Чўл бўриси» романида Ғарб ва Шарқ ғоялари, фалсафаси, шу билан бир қаторда инсоннинг ўз мураккаб «мен»ига бўлган қувноқ ва вазмин муносабати, ўз-ўзини билиш, англаш ва топиш концепцияси ёрқин ифодасини топган. Бу эса Ҳессенинг Шарққа, Шарқ фалсафаси ва анъаналарига азал-азалдан ихлоси баланд бўлганидан далолат.

Асар тилини анча мураккаб дейиш мумкин. Бироқ бу унинг китобхон томонидан енгил ва равон ўқилишига асло монелик қилмайди.

«...Мен бутун бир асрлик олмон адабиёти билан шу қадар батафсил танишиб чиқдимки, — деб ёзади Ҳерманн Ҳессе ўзининг «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» номли мақоласида, — ҳатто мутахассислар ҳам у билан менчалик кенг танишмаган бўлсалар керак. Бир қисми аллақачонлар эскириб кетган бу китоблардан мен учун бениҳоя қадрдон бўлган жонажон она тилимнинг — олмон тилининг муаттар бўйи уфуриб турарди. Бу тил айни XVIII асрда ўзининг гуллаб-яшнаш даврига қадам қўйиш арафасида турган эди. Олмон тилини мен ана шу мажмуалардан, ана шу чанг босиб ётган романлару қаҳрамонлик достонларидан ўрганганман. Ўз тилини яхши билмаган, уни севиб ардоқламаган, парваришламаган ва ҳимоя қилмаган халқнинг шоири бўлиш уятдир».

Ҳессе асарларидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Унинг тили ширали, таъсирчан, камалак янглиғ турфа бўёқларга, тагдор, нозик кўчиримларга, рамзлар, ўткир ибораларга, асарлари эса теран мазмун ва фалсафий мушоҳадаларга, фантазияга бой. Бундан ташқари, адибнинг ҳар бир асари зиммасидаги «юк» ниҳоятда салмоқли.

Адибнинг бутун ҳаётини бағрикенглик ва сабр-қаноат билан яшаш намунаси, деб аташ мумкин. Адиб бутун умри мобайнида ўз ижодига суяниб яшади. У ўз асарларида илгари сурган ғоялар — бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик, аҳилликка эришишга бугун жаҳондаги барча халқлар, эл-элатлар интилиб яшаётганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу эса ушбу асарларнинг, ёзувчи ижодининг умрбоқийлигига яна бир карра далилдир.

Ҳерманн Ҳессенинг яна бир машҳур асари — «Маржонлар ўйини» романидир. Унда адиб синтез усулини қўллаб, Ғарб ва Шарқ донишмандлигини уйғунлаштиришга эришади, саналарни шаклан маржонлар ўйини тарзида акс эттириб, асардаги руҳий ҳолатларни хаёлий манзаралар билан безайди.

Адибнинг бошқа қатор асарларида ҳам замон ва макон зиддиятлари, жамият ва шахс муаммолари ўз ифодасини топган. Ҳессенинг «Курортдаги киши» қиссасида Цюрих яқинидаги курорт шаҳарча Баден билан боғлиқ хотиралар қаламга олинган. Муаллиф бу асарини энг яхши китобларидан бири, деб ҳисоблайди ва унинг замирида қандайдир янги ва ўзига хослик мужассам эканини таъкидлайди.

Чиндан ҳам, ушбу асар мазмун-моҳиятига кўра, муаллиф ўз шахсий муаммолари, ижодкор руҳияти масалалари ҳақида, шунингдек, курортдаги ҳаёт, у ерда даволанувчилар руҳияти билан боғлиқ, қолаверса, руҳ билан тана, жамият билан шахс ўртасидаги зиддиятлар тўғрисида одатдаги бадиий тўқималар воситасида эмас, балки автобиографик қисса шаклида ҳаётнинг бир парчасини имкони борича рўй-рост ва ҳаққоний тасвирлашга уриниш сифатида таассурот уйғотади ва шубҳасиз, қизиқиш билан ўқилади: «...камина айнан курортдаги бекорчиликдан иборат ҳаётимизнинг енгилтак ва бемаъни, қуруқ ва бузуқ томонларига мазахўрак бўла бошладим. (...) Узундан-узун менюдаги кунига икки маҳал бериладиган мазали, лазиз таомларни хуноб одамга, семирган, лоқайд буржуйга хос бўлган баднафс мечкайлик билан кўрдим демайдиган бўлдим. Одатдагидек, кечки овқатга шароб ичаман, уйқу олдидан эса бир шиша пивони бўшатишга ўргандим, аслида пиводан бундан деярли йигирма йил илгари бутунлай воз кечган эдим. Пивони дастлаб, тавсия этишганидек, асосан уйқу воситаси сифатида ичган бўлсам, мана энди анча бўлди, ўрганиб қолганимдан, қолаверса, балойи нафс қурғур қўймаганидан ичаяпман. Ҳайрон қоласан, киши, барча ақлсизлик ва номаъқулчиликларни шу қадар тез ўзлаштириб олиб, ялқов кўппакка, бесўнақай мечкайга, семиз очофатга осонгина айланиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас экан!»

«Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди», деб ёзган эди улуғ олмон шоири ва мутафаккири Йоҳанн Вольфганг Гёте. Мен бу фикрни, киши дунё маданиятини, маънавиятини ва адабиётини қанчалик чуқур ўрганса, ўзлигини ҳам шу қадар теран англай олади, деб тушундим. Дарҳақиқат, бугун истиқлол туфайли дунёга юз тутган юртимиз жамолида, халқимиз камолида буни ҳар биримиз кўриб, билиб, ҳис қилиб турибмиз.

**Мирзаали АКБАРОВ**

АСРЛАРНИНГ АСРАГАНЛАРИ

# Болалик куйлаганда

*Ўзбек болалар фольклори узоқ асрлардан бери мавжуд. Бунга катталар ҳам, болалар ҳам баб-баравар ҳисса қўшишган. Катталар бутун бир тизимдан иборат болаларни эркалаш поэзиясини яратганлар; болаларга мўлжаллаб ажойиб-ғаройиб эртаклар тўқиганлар; уларнинг зеҳнини чархловчи топишмоқлар, нутқини ривожлантирувчи тез айтишлар ижод қилишган.*



Ўзбек болалар фольклорида болаликнинг қалб тебранишлари, қизиқиш ва эҳтирослари, воқеликка муносабатлари ўзига хос ифодасини топган. Болалар шулар билангина чекланмаганлар; ижтимоий тарихий тараққиёт тақозоси билан катталар репертуарига дахлдор айрим фольклор намуналарини ўзлаштириб, «ўзлариники» қилиб борганлар. Бугунги топишмоқлар, тез айтишлар ва қўғирчоқ театрининг том маънода болаларники бўлиб қолгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мавсум ва маросим қўшиқларига таянилиб, уларнинг ижодкори ҳар қачон катталар бўлганини эътироф этиш эвазига болалар қўшиқчилигини чеклаш ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Тўғри, маросимларни катталар уюштирганлар. Уларнинг ўтказилиш тартибларини ҳам, расм-русумларини ва қўшиқларини ҳам катталар ижод этганлари рост. Лекин унутмаслик лозимки, шу маросимларнинг аксарияти болалар иштирокисиз ўтмаган; ҳеч бўлмаганда болалар томошабин сифатида унга қатнашганлар ва катталар бажарган ишларни кўргач, ўша маросимни кейин ўйинда муқаллид қилиб ўзлари бажарганлар, шу тақлидларига яраша қўшиқларни тўқиганлари ҳам ҳақиқат.



Бинобарин, болаларнинг ҳам ўз маросим ва мавсум қўшиқлари юзага кела бошлаган. Бу жараён давр ўтиши, турмуш шароитининг ўзгариши, янгича ижтимоий муносабатларнинг туғила бориши туфайли у ёки бу маросимнинг тамоман йўқолиши ё шунчаки катталар ўртасида нуфузини йўқотиши натижасида ўша маросим болалар ўйини ёки ижрочилигида яшаш шаклига ўтиши билан янада чуқурлаша борган. Айтайлик, «ё рамазон» типидаги қўшиқлар қачонлардир катталар репертуарида пайдо бўлган. Янги ижтимоий муносабатлар тақозосига кўра болалар репертуарларига ўтиб, ҳозиргача яшаб келмоқда. Ҳозир бу типдаги қўшиқларга катталар репертуарларининг намуналари сифатида қараш мутлақо асоссиздир. Бундай ҳолатни «Бойчечак», «Читти гул», «Опоқижон», «Бинафша» типидаги мавсум қўшиқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Буларда халқ этнографиясининг тарихий илдизлари сақлаб қолинган ва шулар таъсирида болаларнинг катталарникидан фарқ қиладиган этнографияси ва тақвими юзага келган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қўшиқ қайсидир бир ижтимоий қатламда яратилиб, ўша ижтимоий қатлам ўзгариши, барҳам топиши натижасида унинг эҳтиёжлари доирасидан чиқиб қолиши туфайли бошқа бир ижтимоий қатлам эрмагига айланиши ё тамоман йўқолиши табиийдир. Бу ўзига хос традицион ворислик ҳалқасининг юзага келишидан иборат жараён бўлиб, ўз навбатида, қўшиқ умрининг кўп қатламлилигини таъминлашдан ташқари, яна катталар репертуарига тааллуқли у ёки бу фольклор асарининг болалар репертуарига ўтишининг, болалар оғзаки ижодиёти ва ижрочилигининг намунасига айланишининг қонунийлигини тасдиқлайди. Бу қонуният болалар фольклорининг катталар фольклорига ворислик ҳуқуқини асослайди.

Улғайиш эҳтирослари, ўйинлар, катталар билан муносабатлар, ҳаётда ўз мавжудлигини англай бориш шавқу завқлари мурғак қалблардаги тебранишларни ранг-баранг оҳангларда товлантириб, болаларнинг ўзларини ҳам қўшиқчи-шоирга айлантириб қўйган. Шу йўсинда болалар ҳам ижод эта бошлаганлар ва айтиш мумкинки, улар яратган қўшиқлар ўзбек болалар фольклорининг хилма-хил жанрларга бой энг катта таркибий қисмини ташкил этади. Бинобарин, уларга болалар қўшиқлари сифатида қараш табиийдир.

*Ўйинга чорловчи қўшиқлар ва чорламалар.* Маълумки, болалар кўпчилик ўйинларининг асосини ҳаракат ташкил этади ва улар ҳаракатли ўйинлар деб юритилади. Бироқ, болалар ижрочилигида шундай қўшиқлар ҳам борки, улар ҳаракатдан иборат. Ана шу ўйинларнинг қайсидир қисми мазмундорлигини тўлдиришга хизмат қилади: ё ўйинга чорлайди, ё ўйинга замин бўлади, ё ўйин учун шарт вазифасини ўтайди, яъни ўйинга муқаддималик функциясини бажаради; ё ўйиндаги ҳаракатнинг йўналишини белгилаб, драматик ҳолатни юзага келтиради; ё ўйинга якун ясаб, иштирокчиларни тарқалишга даъват этади. Бу типдаги қўшиқлар ўйин таркибидаги компонент ҳисобланади. Чорламалар, чеклашмачоқлар, гулдур-гуплар, санамалар, ўйин-қўшиқлар ва тарқалиш қўшиқлари ана шундай характерга эга. Масалан, болалар ўйин ўйнаб бўлгач, тарқалиш маҳалида шундай дея хўшлашишган:

***Уй уйликка***
***Тепа тўйликка***
***Бир хўрозим бор***
***Бу ҳам уйликка.***

*Маънавий ўйинлар.* Буларни сўз ўйинлар деб ҳам юритишади. Болалар сўз билан ўйнаб, маънавий камолот пиллапояларидан илдамлайди. Бола ўз камолотининг илк бочқичида сўз маъносини англашдан йироқ туради. Бироқ сўзнинг сеҳрли оламига у билан ўйнаб туриб кира боради. Оналар аллаларининг назокатли оҳанги билан танглайи кўтарилган болакай энди товушларнинг мўъжизакор оҳангларидан ҳузурлана бошлайди. Энг муҳими шундай ҳузурланиш завқини ўзи учун ўзи кашф этишга интилиб, аста-секин сўзлар ҳосиласидан туғилган ритмларнинг ҳаракатга ёки фикрга омухта таровотидан маъно уқишга майли кучая боради. Катталар болалардаги бу маънавий эҳтиёжни қондиришни кўзлаб, қачонлардир топишмоқ, тез айтиш сингари маънавий ўйинларни ўйлаб топганлар. Болаларга булар ғоят мақбул тушди ва уларни чинакамига ўзлаштириб, ҳатто ўзлариники қилиб олдилар. Айни чоғда ўзлари ҳам бир-бирини сўзда чандишни чинакам маънавий ўйин даражасига кўтардилар, натижада хилма-хил яширин тил шаклларини ўйлаб топдилар. Чандишлар болани ҳозиржавобликка ўргатади. Масалан, болалар эрта баҳорда даладан кўкатлар тергани чиққанда бир-бири билан ҳазиллашиб, олдидан чиққан кўкни кўрсатиб, шеригидан бу нима деб сўрайди. У эса бу «қийди» дейди. Иккинчи тараф шу сўзни дарров тутади-да: «Онанг туғса мен ноғорочи» дея чандиб олади.

*Турли қўшиқлар.* Оналар алласидан ритмик уқуви шакллана бошлаган кичкинтойларда 2-5 ёшлариданоқ ўз хатти-ҳаракатлари, ўйинларини ритмик жиҳатдан баҳолаш майли туғилади. Бу шунчаки баҳолаш бўлмай, уларнинг ўша хатти-ҳаракатлари, ўйинларидаги ҳаётий мазмунни ритмга солишдан иборат поэтик кўтаринкилик ҳисобланади. Шу сабабли улар шовқин солиб айтилади ва аксар ҳолатларда икки мисрадан ошмайди. Товушлар шовқинининг ритмик гармонияси ҳосиласи бўлган бундай қиқилламалар болалар фаолиятида илк поэтик ижод акти ҳисобланиши билан қимматлидир.

Болалар ҳам ҳазил-мутойибага алоҳида рағбат билан қарашади. Бир-бирларида табиий ёки маънавий «камчилик»ларни пайқашган заҳотиёқ, тап тортмасдан, аяшмай, аввалига номга қофиядош лақаб топиб, кейинроқ — жараён чуқурлашгани сари шу лақабнинг оҳангдошлигига омухта ритмга уйғунлашган ҳазилни чуқурлаштириб мазах қилишади, тегишишади; ҳатто ота-оналаридаги ножўя хатти-ҳаракатларни ҳам боплаб юзларига солишади. Болалар ақл-идроклари тўлиша ва теранлаша боргани сайин ижтимоий воқеликка ҳам фаолроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар. Шу фаол муносабат жараёнида ўзлари пайқаган ижтимоий иллатларни масхаралаш даражасида журъат сеза бошлайдилар. Ана шундай бирикма замирида сатирик ва юмористик қўшиқлар силсиласи юзага келади. Ўзбек болалар оғзаки поэзиясида қофиядош лақаблар ва тегишмачоқлар сингари юмористик асарлар билан бир қаторда сатира ўти яркираб турган масхараламалар ҳам анчагинадир.

Болалар мавжуд экан уларнинг фольклори ҳам бардавомдир. У ҳам болаларнинг ўзи каби муттасил ҳаракатда. Бинoборин болалар шоирлари, бастакорлар унга қайта-қайта мурожаат этиб, ғоят халқчил асарлар яратаётгани қувонарли. Чунончи аллалар асосида адабий аллалар, топишмоқлар асосида адабий топишмоқлар ва бошқа қатор жанрларнинг юзага келаётгани болалар ёзма адабиёти жанрий ранг-баранглигини бойитмоқда. Айниқса, эртак жанрининг ёзма адабиётга кучли таъсири туфайли насрий адабий эртак, шеърий адабий эртак, драматик адабий эртак ва уларнинг хилма-хил жанрлари пайдо бўлаётирки, бу ҳам фольклорнинг нақадар ҳаётбахш кучга эга эканини кўрсатади. Ҳозирги замон анъанавий болалар ўйинлари чекка-чекка қишлоқларда қадимги ҳолатда сақланиб келмоқда.

Шунингдек, болалар қўшиқларининг айримлари болани экологик муносабатларга тайёрлашга, табиатни севишга, атроф-муҳитни ҳимоялашга ўргатадиганлари ҳам бор. Масалан, ялинчоқлар, ҳукумлагичлар шулар жумласидандир:

***Қалдирғоч ғоч-ғоч,***
***Эшигингни оч-оч,***
***Эшигингни очмасанг***
***Туйнугингдан кираман,***
***Кафан тўнинг бичаман.***

Бола ана шу қўшиқни айтиши билан қалдирғочга нақадар яқин, қадрдон эканини билдириб турибди. Унга дардини тўкиб соляпти ва ҳазил тариқасида шундай куйлаяпти. Фольклоршунос олимлар ташаббуси билан болалардан ёзиб олинган болалар фольклорига оид кўплаб китоблар чоп қилинган, бу борадаги изланишлар ҳамон давом этмоқда. Узоқ йиллик тажрибаларимга суяниб, шу кунгача ўзбек болалар фольклорининг 24 та жанрини аниқлаганимдан, халқимизнинг кенг қиррали болалар фольклорига қўшган ҳиссамдан мамнунман. Шу кунларда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги муассислигида 50 томлик «Ўзбек халқ ижоди» серияси нашр қилиниши режалаштирилган. Бу академик нашр таркибининг бир томи «Ўзбек болалар қўшиқлари»га, яна бир томи эса «Ўзбек болалар ўйинлари»га бағишланади.



Ҳа, боланикнинг хилма-хил қўшиқлари жилоси бор. Қўшиқда айтилганидек:

***Болалик куйласа —***
***йўқолур алам,***
***Болалик куйласа —***
***ёшарур олам!***

**Охунжон САФАРОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

## Ҳикматлар сандиғи

***Душман фирибин ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.***

Алишер НАВОИЙ

***Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр яшаши лозим.***

Абу Наср ФАРОБИЙ

***Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.***

Абулқосим аз ЗАМАХШАРИЙ

***Хотин бўлса яхши ва порсо,***
***Гадо эрни қиладир подшо.***

Аҳмад ДОНИШ

## САРАЛАШ БАҲСЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

*Шу кунларда бир қатор миллий терма жамоалар Польша ва Украинада бўлиб ўтадиган қитъа биринчилигига тайёргарлик кўраётган бўлса, Осиёда футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралашнинг ҳал қилувчи — тўртинчи босқичи учрашувлари ташкил этилмоқда. "А" ва "В" гуруҳларидан жой олган қитъамизнинг энг кучли ўнта жамоаси мундиал йўлланмасини қўлга киритиш учун қизғин кураш олиб бормоқда.*

Куни кеча саралаш баҳсларининг биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. «В» гуруҳидан ўрин эгаллаган Иордания ва Ироқ терма жамоалари дастлабки учрашувда 1:1 ҳисобида ўйинни якунлади. Япониялик футболчилар эса ўз майдонида уммонлик чарм тўп усталарини йирик — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Эътиборлиси, Япония ва Уммон жамоалари ўртасидаги беллашувни Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками деб эътироф этилган ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариб борди.

"А" гуруҳида ҳам иккита учрашув ўтказилди. Биринчи ўйинда Байрут шаҳрида Ливан ва Қатар терма жамоалари ўзаро куч синашган бўлса, иккинчи баҳсда ҳамюртларимиз эронлик футболчиларга қарши майдонга тушди.

Таъкидлаш керакки, ҳар икки терма жамоа мазкур ўйинга турлича шароитда тайёргарлик кўрди. Вакилларимиз эронликлар билан ўйин олдидан ПФЛ клублар терма жамоасига қарши назорат ўйини билан чекланган бўлса, Карлуш Кейруш шогирдлари Қатар, Мавритания, Мозамбик, Иордания ва Албания термаларига қарши ўртоқлик ўйини ўтказди. Айнан мана шу жиҳат учрашувда орадаги фарқни аниқлаб берди.

Шу пайтгача бу икки терма жамоа ўзаро уч маротаба куч синашган. Уларнинг иккитасида эронликларнинг қўли баланд келган эди. Фақат Тошкентда ўтказилган ўртоқлик учрашувидагина томонларнинг тенглиги эътироф этилган. Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида бўлиб ўтган бу галги беллашувда ҳамюртларимиз 0:1 ҳисобида имкониятни бой беришди. Шундай қилиб, сафардаги учрашувларда ғалаба қозонган Эрон ва Қатар миллий терма жамоалари уч очкодан жамғариб, турнир жадвалида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Вакилларимизнинг эса энг сўнгги поғонадан жой олишдан бошқа иложлари қолмади.

Ўзбекистон ва Эрон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўйинда бир неча марта баҳсли вазиятлар бўлганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, Япониядан ташриф буюрган ҳакамлар жамоаси жиддий хатоларга йўл қўйди. Жумладан, терма жамоамизни майдонга сардор сифатида бошлаб тушган Одил Аҳмедов томонидан учрашувнинг 74-дақиқасида рақиб дарвозасига киритилган тўп инобатга олинмади. Аниқроғи, ҳакамлар бу вазиятни тўғри баҳолай билишмади. Ачинарлиси шундаки, ўйиндан кейин япониялик ФИФА рефериси — Юичи Нишимура ўйин вақтида хатога йўл қўйганини, афсуски, кеч тан олди.

Ўзбекистон терма жамоаси фаолиятида яна бир янгилик содир бўлди. Эрон терма жамоасидан мағлубиятга учраган вакилларимизнинг бош мураббийси Вадим Абрамов ўз лавозимини тарк этди. Унинг ўрнини футболимиз ифтихори, шу пайтга қадар «Бунёдкор» клубида фаолият юритган Миржалол Қосимов эгаллади. Шу муносабат билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда аниқланишича, эндиликда Миржалол Қўшоқович ҳам миллий термамизда, ҳам «Бунёдкор» клубида фаолият олиб боради.

— Миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатига чиқиш йўлида кураш олиб бормоқда, — деди Миржалол Қосимов журналистлар билан мулоқот чоғида. — Бу барчамизнинг кўп йиллик орзуимиз. Уни амалга ошириш учун чин дилдан ҳаракат қиламан.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси кейинги учрашувни жорий йилнинг 8 июнь куни Ливан термасига қарши ўтказади.

**Ирода МУРАТОВА**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

**Саидмурод ТИЛЛАХЎЖАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.*

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00

Адади: 10737 Буюртма — Г-655 1 2 4 5